

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ
ТОВАР НОМЕНКЛАТУРАСИ
(2022 йил таҳрири)**

Тошкент 2022

**Нашр учун масъуллар: Зуфарова Н. А., Махмудов А. М., Яхяев Д. О., Караманов Б. З.,
Мурзаев Р. К., Абзанов Т. Р.**

**Ўзбекистон Республикаси ТИФ товар номенклатураси
Ўзбекистон Республикаси ТИФ товар номенклатураси Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил _____даги ПҚ-___-сон қарорига асосан амалга киритилмоқда.**

© Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги

© Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси

МУНДАРИЖА

ТОВАРЛАРНИ ТАВСИФЛАШ ВА КОДЛАШТИРИШНИНГ УЙЎУНЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ.....		9
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ТОВАР НОМЕНКЛАТУРАСИНИ ТАЛҚИН ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ.....		17
ҚИСҚАРТМАЛАР ВА РАМЗЛАР.....		19
ТИФ ТНда ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ.....		21
I БЎЛИМ	Тирик ҳайвонлар: келиб чиқиши ҳайвонларга мансуб маҳсулотлар.....	22
01-гурӯҳ	Тирик ҳайвонлар.....	22
02-гурӯҳ	Гўшт ва гўштли озиқ-овқат субмаҳсулотлари.....	26
03-гурӯҳ	Балиқ ва қисқичбақасимонлар, моллюска ва бошқа умуртқасиз сув ҳайвонлари.....	40
04-гурӯҳ	Сут маҳсулотлари, парранда тухуми, табиий асал, бошқа жойда номланмаган ёки киритилмаган ҳайвонларга мансуб озиқ-овқат маҳсулотлари.....	66
05-гурӯҳ	Бошқа жойда номланмаган ёки киритилмаган ҳайвонларга мансуб маҳсулотлар.....	76
II БЎЛИМ	Келиб чиқиши ўсимликларга мансуб маҳсулотлар.....	79
06-гурӯҳ	Тирик дарахтлар ва бошқа ўсимликлар; пиёзлари, илдизлари ва бошқа шундай ўсимлик қисмлари; декоратив ва кесилган яшил гуллар.....	79
07-гурӯҳ	Сабзавотлар ва баъзи истеъмолга яроқли бўлган илдизли мевалар ва қулупнай мевалари.....	82
08-гурӯҳ	Истеъмол қилинадиган мевалар ва ёнғоқлар, цитрус мевалари ёки қовун пўстлоғи.....	88
09-гурӯҳ	Қаҳва, чой, мате ёки парагвай чойи ва зираворлар.....	94
10-гурӯҳ	Донлар.....	97
11-гурӯҳ	Ун ва ун-ёрмаларни янчишга мўлжалланган саноат маҳсулотлари; солод; крахмаллар; инулин; буғдой клейковинаси.....	101
12-гурӯҳ	Мойли уруғлар ва мевалар; бошқа уруғлар, мева ва дон; доривор ўсимликлар ва техник мақсадларда қўлланиладиган ўсимликлар; сомон ва ем-хашак.....	106
13-гурӯҳ	Тозаланмаган табиий смола; камеди (ўсимлик шираси) ёки бошқа ўсимлик шарбати ва экстрактлари.....	111
14-гурӯҳ	Тўқилган буюмларни тайёрлаш учун ўсимлик материаллари; бошқа жойда номланмаган ёки киритилмаган, келиб чиқиши ўсимликка мансуб бошқа маҳсулотлар.....	113
III БЎЛИМ	Ҳайвонот, ўсимлик ёки микробиологик келиб чиқишга эга ёғ ва мойлар ҳамда уларни парчалаш маҳсулотлари; тайёр озиқ-овқат ёғлари; келиб чиқиши ҳайвонот ва ўсимликка мансуб мумлар.....	114

<i>15-гурӯҳ</i>	Ҳайвонот, ўсимлик ёки микробиологик келиб чиқишга эга ёғ ва мойлар ҳамда уларни парчалаш маҳсулотлари; тайёр озиқ-овқат ёғлари; келиб чиқиши ҳайвонот ва ўсимликка мансуб мумлар114
IV БЎЛИМ	Тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари; алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар ва уксус (сирка); тамаки ва саноатда унинг ўрнини босувчилар; таркибида никотин бўлган ёки бўлмаган, нафас олиш учун мўлжалланган ёндирилмайдиган маҳсулотлар; таркибида никотин бўлган ва никотинни инсон организмига қабул қилиш учун мўлжалланган бошқа маҳсулотлар.....124
<i>16-гурӯҳ</i>	Гўшт, балиқ, қискичбақасимонлар, моллюскалар ёки бошқа сувда яшовчи умуртқасиз ҳайвонлар ёки ҳашаротлардан тайёрланган маҳсулотлар.....124
<i>17-гурӯҳ</i>	Шакар ва шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари.....130
<i>18-гурӯҳ</i>	Какао ва какаодан тайёрланган маҳсулотлар.....138
<i>19-гурӯҳ</i>	Бошоқли донлар, ун, крахмал ёки сутдан тайёрланган маҳсулотлар; ундан тайёрланган қандолат маҳсулотлари.....140
<i>20-гурӯҳ</i>	Сабзавотлар, мевалар, ёнғоқлар ёки ўсимликлар ёки уларнинг бошқа қисмларини қайта ишлашдан тайёрланган маҳсулотлари.....144
<i>21-гурӯҳ</i>	Турли озиқ-овқат маҳсулотлари.....166
<i>22-гурӯҳ</i>	Алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар ҳамда сирка.....170
<i>23-гурӯҳ</i>	Озиқ-овқат саноатининг қолдиқлари ва чиқиндилари; ҳайвонлар учун тайёр озуқалар.....185
<i>24-гурӯҳ</i>	Тамаки ва саноатда унинг ўрнини босувчилар; ёндирмасдан нафас олиш учун мўлжалланган, таркибида никотин бўлган ёки бўлмаган маҳсулот; таркибида никотин бўлган ва никотинни инсон организмига киритиш учун мўлжалланган бошқа маҳсулотлар.....190
V БЎЛИМ	Минерал маҳсулотлар.....192
<i>25-гурӯҳ</i>	Туз; олтингугурт; тупроқлар ва тош; сувоқ материаллари, оҳак ва цемент.....192
<i>26-гурӯҳ</i>	Руда, шлак ва кул.....198
<i>27-гурӯҳ</i>	Минерал ёқилғи, нефть ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари; битумлашган моддалар; минерал мумлар.....201
VI БЎЛИМ	Кимё ва унга боғлиқ бўлган саноат тармоқлари маҳсулотлари.....211
<i>28-гурӯҳ</i>	Ноорганик кимё маҳсулотлари; қимматбаҳо металллар, нодир металллар, радиоактив элементлар ёки изотопларнинг ноорганик ёки органик бирикмалари.....211
<i>29-гурӯҳ</i>	Органик кимёвий бирикмалар.....225
<i>30-гурӯҳ</i>	Фармацевтика маҳсулотлари.....250
<i>31-гурӯҳ</i>	Ўғитлар.....257
<i>32-гурӯҳ</i>	Қўнчилик ёки ранг берувчи экстрактлар; танинлар ва уларнинг ҳосилалари; бўёқлар, пигментлар ва бошқа ранг берувчи моддалар; бўёқлар ва лаклар; шпатлёвка ва бошқа мастикалар; полиграфик бўёқ, сиёҳ, тушлар.....260
<i>33-гурӯҳ</i>	Эфир мойлари ва резинoidлар; атторлик, косметика ёки пардоз воситалари.....265

34-гурӯҳ	Совун, сирт-фаол органик моддалар, ювиш воситалари, мойлаш материаллари, сунъий ва тайёр мум, тозалаш ва пардозлаш учун таркиблар, шам ва ўхшаш буюмлар, ёпиштириш учун лепкалар, пластилин, "тиш даволаш муми" ва гипс асосида тиш даволаш учун таркиблар.....	268
35-гурӯҳ	Оқсил моддалари; модификацияланган крахмаллар; елим; ферментлар.....	272
36-гурӯҳ	Портловчи моддалар, пиротехника воситалари, гугуртлар, пиррофор қотишмалари, баъзи ёнувчи моддалар.....	275
37-гурӯҳ	Фото ва кино маҳсулотлари.....	277
38-гурӯҳ	Бошқа кимёвий маҳсулотлар.....	280
VII БЎЛИМ	Пластмассалар ва улардан тайёрланган товарлар, каучук, резина ва улардан тайёрланган товарлар.....	292
39-гурӯҳ	Пластмассалар ва улардан тайёрланган буюмлар.....	292
40-гурӯҳ	Каучук, резина ва улардан тайёрланган буюмлар.....	307
VIII БЎЛИМ	Ишлов берилмаган тери, чарм, табиий мўйна ва улардан тайёрланган маҳсулотлар; эгар-жабдуқ маҳсулотлари ва юганлар; сафар учун анжомлар, сумкалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар; ҳайвон ички органларидан тайёрланган маҳсулотлар (ипак қуртиниғ ипак ҳосил қилувчи безларидан ташқари).....	314
41-гурӯҳ	Хом терилар (табиий мўйнадан ташқари) ва қайта ишланган чарм.....	314
42-гурӯҳ	Чарм буюмлари: эгар-жабдуқ маҳсулотлари ва юганлар; сафар учун анжомлар, сумкалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар; ҳайвон ички органларидан тайёрланган маҳсулотлар (ипак қуртиниғ ипак ҳосил қилувчи безларидан ташқари).....	320
43-гурӯҳ	Табиий ва сунъий мўйна ва ундан тайёрланган маҳсулотлар.....	324
IX БЎЛИМ	Ёғоч ва ундан тайёрланадиган буюмлар: писта кўмир; пўкак ва ундан тайёрланган буюмлар; сомондан, альфдан ва бошқа тўқиш материалларидан тайёрланган буюмлар; сават ва бошқа тўқилган буюмлар.....	329
44-гурӯҳ	Ёғоч ва ундан тайёрланган маҳсулотлар; писта кўмир.....	329
45-гурӯҳ	Пўкак ва ундан тайёрланган буюмлар.....	348
46-гурӯҳ	Похол, сомон ва бошқа тўқиш материалларидан буюмлар; саватсимон ва тўқилган буюмлар.....	349
X БЎЛИМ	Ёғочдан ёки бошқа толали целлюлоза материалларидан масса; қайта тикланувчан қоғоз ёки картон (макулатура ва чиқиндилар); қоғоз, картон ва улардан ашёлар.....	351
47-гурӯҳ	Ёғоч ёки бошқа толали целлюлоза материалларидан иборат масса; қайта тикланувчан қоғоз ёки картон (макулатура ва чиқиндилар).....	351
48-гурӯҳ	Қоғоз ва картон: қоғоз массаси, қоғоз ёки картондан тайёрланган буюмлар.....	353

49-гуруҳ	Босма китоблар, газеталар, репродукциялар ва полиграфия саноатининг бошқа буюмлари; қўлёзмалар, машинкада ёзилган матнлар ва тарҳлар.....	366
XI БЎЛИМ	Тўқимачилик материаллари ва тўқимачилик буюмлари.....	368
50-гуруҳ	Ипак.....	373
51-гуруҳ	Ҳайвонларнинг жуни, ингичка ёки дағал туки; от сочидан ип ва газлама.....	375
52-гуруҳ	Пахта.....	379
53-гуруҳ	Бошқа ўсимлик тўқимачилик толалари; қоғоздан йиғирилган ип ва қоғоздан йиғирилган ипдан газламалар.....	391
54-гуруҳ	Кимёвий иплар; кимёвий тўқимачилик материалларидан ясси ва аналогик иплар.....	394
55-гуруҳ	Кимёвий толалар.....	398
56-гуруҳ	Вата, кигиз ёки фетр ва нотўқима материаллар; махсус йиғирилган ип; чилвирлар, арқонлар, канатлар ва трослар ҳамда улардан тайёрланган буюмлар.....	404
57-гуруҳ	Гидамлар ва бошқа тўқимачилик пол қопламалари.....	408
58-гуруҳ	Махсус газламалар; тафтинг тўқимачилик материаллари; кружева; гобеленлар; пардозлаш материаллари; кашталар.....	411
59-гуруҳ	Тўқимачилик материаллари, шимдирилган, қопланган ёки дублирланган; техник мақсаддаги тўқимачилик буюмлари.....	414
60-гуруҳ	Машина ёки қўлда тўқилган трикотаж матолар.....	419
61-гуруҳ	Кийим-кечак предметлари ва жиҳозлари, машина ёки қўлда тўқилган трикотаж	422
62-гуруҳ	Кийим предметлари ва кийим жиҳозлари, машинада ёки қўлда тўқилган трикотажларидан ташқари.....	433
63-гуруҳ	Бошқа тайёр тўқимачилик буюмлари; тўпламлар; аввал ишлатилган кийим-кечаклар ва тўқимачилик буюмлари; латталар.....	443
XII БЎЛИМ	Пойабзал, бош кийим, соябон, қуёш соябонлари, хассалар, хасса-ўриндиклар, қамчилар ва уларнинг қисмлари, ишлов берилган патлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, сунъий гуллар, инсон сочларидан маҳсулотлар.....	448
64-гуруҳ	Пойабзал, гетри ва шунга ўхшаш маҳсулотлар, уларнинг қисмлари.....	448
65-гуруҳ	Бош кийимлар ва уларнинг қисмлари.....	453
66-гуруҳ	Соябонлар, қуёш соябонлари, хасса, хасса-ўриндиклар, миниш учун қамчи, хипчинлар ва уларнинг қисмлари.....	455
67-гуруҳ	Ишлов берилган патлар ва парлар ва пат ёки парлардан тайёрланган маҳсулотлар, сунъий гуллар, инсон сочларидан тайёрланган маҳсулотлар.....	456
XIII БЎЛИМ	Тош, гипс, цемент, асбест, слюда ёки шу каби материаллардан тайёрланган буюмлар; керамика буюмлар; шиша ва ундан тайёрланган буюмлар.....	457

68-гурӯҳ	Тош, гипс, цемент, асбест, слюда ёки ўхшаш материаллардан тайёрланган буюмлар.....	457
69-гурӯҳ	Керамика буюмлари.....	462
70-гурӯҳ	Шиша ва шишадан тайёрланган буюмлар.....	467
XIV БЎЛИМ	Табиий ёки сунъий етиштирилган марварид, қимматбаҳо ёки ярим қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо металллар билан қопланган металллар ва улардан тайёрланган буюмлар: бижутерия, тангалар.....	477
71-гурӯҳ	Табиий ёки сунъий етиштирилган марварид, қимматбаҳо ёки ярим қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо металллар билан қопланган металллар ва улардан тайёрланган буюмлар: бижутерия, тангалар.....	477
XV БЎЛИМ	Ноқимматбаҳо металллар ва улардан тайёрланган буюмлар.....	484
72-гурӯҳ	Қора металллар	486
73-гурӯҳ	Қора металлдан тайёрланган буюмлар.....	507
74-гурӯҳ	Мис ва ундан тайёрланган буюмлар.....	523
75-гурӯҳ	Никель ва ундан тайёрланган буюмлар.....	527
76-гурӯҳ	Алюминий ва ундан тайёрланган буюмлар.....	529
78-гурӯҳ	Қўрғошин ва ундан тайёрланган буюмлар.....	534
79-гурӯҳ	Рух ва ундан тайёрланган буюмлар.....	535
80-гурӯҳ	Қалай ва ундан тайёрланган буюмлар.....	536
81-гурӯҳ	Бошқа ноқимматбаҳо металллар; металл керамика; улардан тайёрланган буюмлар.....	537
82-гурӯҳ	Ноқимматбаҳо металллардан тайёрланган асбоблар, пичоқ, қошиқ ва вилкалар; уларнинг асосий металл қисмлари.....	541
83-гурӯҳ	Ноқимматбаҳо металллардан тайёрланган бошқа буюмлар.....	547
XVI БЎЛИМ	Машина, ускуна ва механизмлар; электротехник ускуна; уларнинг қисмлари; овозни ёзиб олувчи ва овозни қайта тикловчи аппаратура, телевизион тасвирни ва овозни ёзиб олиш ва қайта тиклаш учун аппаратура, уларнинг қисмлари ва жиҳозлари.....	551
84-гурӯҳ	Ядровий реакторлар; қозонлар, ускуналар ва механик қурилмалар; уларнинг қисмлари.....	553
85-гурӯҳ	Электр машиналар ва ускуналар, уларнинг қисмлари; овоз ёзиб олувчи ва овозни қайта эшиттирувчи аппаратура, телевизион тасвир ва товушни ёзиб олувчи ва қайта тикловчи аппаратура, уларнинг қисмлари ва жиҳозлари.....	620
XVII БЎЛИМ	Ер усти транспорти, учиш аппаратлари, сузувчи воситалар ҳамда транспортга тегишли мосламалар ва ускуналар.....	678

86-гурӯҳ	Темир йўл локомотивлари ёки трамвай мотор вагонлари, ҳаракатдаги таркиб ва уларнинг қисмлари; темир йўл ускуналари ва темир йўл ёки трамвай йўллари мосламалари ва уларнинг қисмлари; барча турдаги механик (шу жумладан электромеханик) сигнализация ускуналари.....	679
87-гурӯҳ	Ёр усти транспорт воситалари: темир йўл ёки трамвай ҳаракатланувчи таркибидан ташқари, уларнинг қисмлари ва асбоб-ускуналари.....	683
88-гурӯҳ	Учиш аппаратлари, космик аппаратлар ва уларнинг қисмлари.....	727
89-гурӯҳ	Кемалар, қайиқлар ва сузувчи қурилмалар.....	734
XVIII БЎЛИМ	Оптик, фотографик, кинематографик, ўлчов, назорат, аниқлик, тиббий ёки жарроҳлик асбоблари ва аппаратлари; барча турдаги соатлар; мусиқа асбоблари; уларнинг қисмлари ва керакли жиҳозлари.....	737
90-гурӯҳ	Оптик, фотографик, кинематографик, ўлчов, назорат, аниқлик, тиббий ёки жарроҳлик асбоблари ва аппаратлари; уларнинг қисмлари ва керакли жиҳозлари.....	737
91-гурӯҳ	Барча турдаги соатлар ва уларнинг қисмлари.....	752
92-гурӯҳ	Мусиқа асбоблари; уларнинг қисмлари ва жиҳозлари.....	756
XIX БЎЛИМ	Қурол ва ўқ-дорилар; уларнинг қисм ва жиҳозлари.....	758
93-гурӯҳ	Қурол ва ўқ-дорилар; уларнинг қисм ва жиҳозлари.....	758
XX БЎЛИМ	Турли саноат товарлари.....	760
94-гурӯҳ	Мебель; тўшак буюмлари, матраслар, матрас асослари, диван ёстиқлари ва мебелларнинг ўхшаш тикма жиҳозлари; бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган чироқлар ва ёритиш ускуналари; чироқли пешлавҳалар, номли ёки манзилли чироқли тахтачалар ва ўхшаш буюмлар; йиғма қурилиш конструкциялари.....	760
95-гурӯҳ	Ўйинчоқлар, ўйин ва спорт инвентари, уларнинг қисми ва ашёлари.....	770
96-гурӯҳ	Турли тайёр буюмлар.....	776
XXI БЎЛИМ	Санъат асарлари, коллекциялар ва антиквариат.....	783
97-гурӯҳ	Санъат асарлари, коллекциялар ва антиквариат.....	783

**ТОВАРЛАРНИ ТАВСИФЛАШ ВА КОДЛАШТИРИШНИНГ
УЙЎУНЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ**
(1983 йил 14 июнда Брюссельда тузилган)

МУҚАДДИМА

Божхона ҳамкорлиги кенгаши раҳбарлигида тузилган ушбу Конвенциянинг Аҳдлашувчи Томонлар халқаро савдони ривожлантириш истагида, статистик маълумотларни, айниқса халқаро савдога оид маълумотларни тўплаш, солиштириш ва таҳлил қилишни осонлаштириш истагида, халқаро савдо жараёнида товарларни бир таснифлаш тизимидан иккинчисига ўтиш жараёнида уларни такрорий тавсифлаш, таснифлаш ва кодлаш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ҳамда ташқи савдо ҳужжатларини стандартлаштириш ва статистик маълумотларни узатишни рағбатлантириш истагини билдирган ҳолда, товар ишлаб чиқариш технологияси ва халқаро савдо тузилмасидаги ўзгаришлар 1950 йил 15 декабрда Брюссельда тузилган Божхона тарифларида товарларни таснифлаш бўйича номенклатура тўғрисидаги конвенцияга жиддий ўзгартиришлар киритишни тақозо этишини инобатга олиб, Ҳукуматлар ва тижорат ҳамжамиятлари томонидан боғхона ва статистик мақсадларда талаб қилинадиган тафсилотлар даражаси юқорида қайд этилган Конвенцияга илова қилинган Номенклатурада назарда тутилган доирадан ташқарига чиқиб кетганлигини ҳисобга олиб, Халқаро савдо музокараларини ўтказиш учун аниқ ва таққосланадиган маълумотларнинг муҳимлигини тан олган ҳолда, транспорт тарифлари ва турли транспорт турларида юк ташиш статистикаси учун Уйғунлаштирилган тизимдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиб, Уйғунлаштирилган тизим бошқа товарларни тавсифлаш ва кодлаш тизимларида янада кенгроқ фойдаланиш учун мўлжалланганлигини инобатга олиб, Уйғунлаштирилган тизим ташқи савдо статистикаси ва ишлаб чиқариш статистикаси ўртасида янада яқинроқ муносабатларни ўрнатишга кўмаклашиш учун ишлаб чиқилганлигига эътибор қаратган ҳолда, Уйғунлаштирилган тизим ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро стандарт савдо таснифи (ХССТ) ўртасида яқин муносабатларни сақлаш заруратини ҳисобга олиб, Халқаро савдо билан шуғулланадиган манфаатдор томонлар фойдаланиши учун мос бўлган бирлаштирилган тариф-статистик номенклатурадан фойдаланиш орқали юқоридаги эҳтиёжларни қондириш мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда, Уйғунлаштирилган тизимда товарларни ишлаб чиқариш технологияси ёки халқаро савдо таркибидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш аҳамиятини англаган ҳолда, Божхона ҳамкорлик Кенгаши томонидан ташкил этилган Уйғунлаштирилган тизим кўмитаси томонидан ушбу соҳада амалга оширилган ишларга эътибор берган ҳолда, юқорида кўрсатилган номенклатура Конвенцияси ушбу мақсадларнинг бир қисмига эришиш учун самарали восита эканлигини исботлаганлиги сабабли, зарур натижаларга эришишнинг энг яхши воситаси янги халқаро конвенция тузиш эканлигини ҳисобга олиб, куйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-Модда. Атамалар

Ушбу Конвенциянинг мақсадларида:

- (a) **“Товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизими”**, бундан кейин **“Уйғунлаштирилган тизим”** деб юритилиб, сарлавҳалар, кичик сарлавҳалар ва уларнинг тегишли рақамли кодлари, бўлимлар, гуруҳлар ва сарлавҳаларга эслатмаларни, шунингдек, ушбу Конвенцияга Иловада келтирилган Уйғунлаштирилган тизимни талқин қилишнинг асосий қоидаларини ўз ичига олган Номенклатурани англатади;
- b) **“божхона-тариф номенклатураси”** товарларни олиб киришда божхона божларини ундириш учун Аҳдлашувчи Томон қонунчилигига мувофиқ қабул қилинган номенклатурани англатади;
- c) **“статистик номенклатуралар”** товарларнинг импорти ва экспорти бўйича статистик маълумотларни тўплаш учун Аҳдлашувчи Томон тарафидан қабул қилинган товар номенклатураларини англатади;
- d) **“қўшма тариф-статистик номенклатура”** Аҳдлашувчи Томон ўз қонунчилигига мувофиқ импорт қилинадиган товарларни декларациялашда фойдаланишни талаб қиладиган божхона тарифи ва статистик номенклатурани бирлаштирган номенклатурани англатади;
- e) **“Кенгашни таъсис этиш тўғрисидаги Конвенция”** 1950 йил 15 декабрда Брюссельда тузилган Божхона ҳамкорлиги кенгашини таъсис этиш тўғрисидаги Конвенцияни билдиради;
- f) **“Кенгаш”** ушбу модданинг (e) бандида кўрсатилган Божхона ҳамкорлиги Кенгашини англатади;
- g) **“Бош котиб”** Кенгашнинг Бош котибини англатади;
- h) **“ратификация”** аслида ратификация, қабул қилиш ёки тасдиқлашни англатади.

2-Модда. Илова

Ушбу Конвенцияга Илова унинг ажралмас қисми ҳисобланади ва ушбу Конвенцияга ҳар қандай ҳавола худди шу иловага ҳаволани англатади.

3-Модда Аҳдлашувчи Томонларнинг мажбуриятлари

1. **4-моддада** санаб ўтилган истисноларни ҳисобга олган ҳолда:

- (a) ушбу Конвенциянинг ҳар бир Аҳдлашувчи Томони, ушбу банднинг (c) кичик банди қоидаларини қўллаш ҳоллари бундан мустасно, унинг божхона-тариф ва статистик номенклатуралари бу Аҳдлашувчи Томонга ушбу Конвенция кучга кирган кундан бошлаб Уйғунлаштирилган тизимга мос келишини ўз зиммасига олади. Шу билан, у ўзининг божхона-тариф ва статистик номенклатураларига нисбатан қуйидагиларни ўз зиммасига олади:
 - (i) Уйғунлаштирилган тизимнинг барча позициялари ва субпозицияларидан, ҳамда уларга тегишли рақамли кодлардан ҳеч қандай қўшимчалар ва ўзгартиришларсиз фойдаланиш;
 - (ii) Уйғунлаштирилган тизимни талқин қилишнинг Асосий қоидаларини, шунингдек, барча бўлимларни, гуруҳлар ва субпозицияларни қўллаш ва Уйғунлаштирилган тизимнинг бўлимлари, гуруҳлари, позицияларни ёки субпозицияларнинг мазмунини ўзгартирмаслик;
 - (ii) Уйғунлаштирилган тизимда қабул қилинган кодлаш тартибига риоя қилиш;
- (b) ҳар бир Аҳдлашувчи Томон, шунингдек, Уйғунлаштирилган тизим товарларнинг импорти ва экспорти бўйича ўз статистик маълумотларини олти хонали кодига мувофиқ эълон

қилади ёки Аҳдлашувчи Томоннинг хошишига кўра, таснифлашнинг янада чуқурроқ даражасида, агар бундай нашрларга чекловлар алоҳида ҳолатлар сабабли бўлмаса эълон қилади, масалан, тижорат сирини сақлаш ёки давлат хавфсизлиги манфаатларига зарар етказмаслик;

- (с) ушбу моддада ҳеч нарса Аҳдлашувчи Томонни, агар унинг кўшма тариф-статистик номенклатураси (а) (i), (а) (ii) ва (а) (iii) кичик бандларида кўрсатилган талабларга жавоб берса, ўзининг божхона-тарифлари номенклатурасида Уйғунлаштирилган тизимнинг субпозициясидан фойдаланишга мажбур қилмайди.
2. Ушбу модданинг 1-банди (а) кичик банди талабларига мувофиқ, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон Уйғунлаштирилган тизим қоидалари унинг миллий қонунчилигида мустақамланганлигини таъминлаш учун зарур деб ҳисоблаган матнга ўзгартиришлар киритиши мумкин.
3. Ушбу моддада ҳеч нарса Аҳдлашувчи Томонга, агар бундай кичик бўлимлар Ушбу Конвенцияга Иловада келтирилган, ушбу моддада кўрсатилган олти хонали рақамли коддан ташқари тўлдирилган ва кодланган бўлса, ўзининг божхона-тарифида ёки статистик номенклатураларида товарларни Уйғунлаштирилган тизимга қараганда чуқурроқ таснифлаш учун кичик бўлимларни яратишни тақиқламайди.

4-Модда Ривожланаётган мамлакатлар томонидан қисман қўлланиши

1. Ривожланаётган давлат бўлган ҳар қандай Аҳдлашувчи Томон ўзининг ташқи савдосининг тузилиши ёки унинг бошқарув тизимининг салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, Уйғунлаштирилган тизимнинг айрим ёки барча субпозицияларини қўллашни, унга талаб қилиниши мумкин бўлган даврга кечиктириши мумкин.
2. Ушбу модда қоидаларига мувофиқ, Уйғунлаштирилган тизимни қисман қўллашга қарор қилган ҳар қандай ривожланаётган Аҳдлашувчи Томон, мазкур Конвенция ушбу мамлакатга нисбатан кучга кирган кундан бошлаб ёки ушбу модданинг 1-банди қоидаларини инобатга олган ҳолда, у тегишли деб ҳисоблаган бошқа муддатдан бошлаб, олти хонали Уйғунлаштирилган тизимни беш йил ичида тўлиқ ҳажмда қўллаш бўйича барча чораларни кўришга розилик билдиради.
3. Ушбу модда қоидаларига мувофиқ Уйғунлаштирилган тизимни қисман қўллаш тўғрисида қарор қабул қилган ҳар қандай ривожланаётган Аҳдлашувчи Томон битта дефисдан иборат бўлган ҳар қандай субпозицияга тегишли барча икки дефислик субпозицияларини ёки уларнинг бирортасини ёки барча кичик субпозицияларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилади, шунингдек, ҳар қандай позицияга тегишли битта дефислик ҳамма субпозицияларни ёки уларнинг бирини қўллайди. Қисман қўллаш ҳолларида Уйғунлаштирилган тизим кодининг фойдаланилмайдиган қисмига мос келадиган олтинчи ёки бешинчи ва олтинчи белгилар мос равишда “0” ёки “00” билан алмаштирилади.
4. Ушбу модда қоидаларига мувофиқ, Уйғунлаштирилган тизимни қисман қўлланиши ҳақида қарор қиладиган ривожланаётган мамлакат Аҳдлашувчи Томон бўлганидан кейин ушбу Конвенция кучга кирган кундан бошлаб у қўлламайдиган субпозициялар ҳақида Бош котибни хабардор қилади, шунингдек, у кейинчалик қўллайдиган субпозициялар ҳақида ҳам Бош котибни бохабар қилади.
5. Ушбу модда қоидаларига мувофиқ, Уйғунлаштирилган тизимни қисман қўллашни танлаган ҳар қандай ривожланаётган мамлакат Аҳдлашувчи Томон бўлгач, олти хонали Уйғунлаштирилган тизимни ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган санадан бошлаб уч йилдан кейин тўлиқ қўллаш мажбуриятини олганлиги ҳақида Бош котибни хабардор қилиши мумкин.
6. Ушбу модда қоидаларига мувофиқ, Уйғунлаштирилган тизимни қисман қўллайдиган ҳар қандай ривожланаётган Аҳдлашувчи Томон 3-моддадан келиб чиқадиган мажбуриятлардан ўзи қўлламайдиган субпозицияларга нисбатан озод қилинади.

5-Модда. Ривожланаётган мамлакатларга техник кўмаклашиш

Ривожланган давлат бўлган Аҳдлашувчи Томон ривожланаётган мамлакатларга уларнинг илтимосига кўра ўзаро келишилган шартларда техник ёрдам кўрсатади, хусусан, кадрлар тайёрлаш, уларнинг миллий номенклатураларини Уйғунлаштирилган тизимга мувофиқлаштириш бўйича тавсиялар беради. Уйғунлаштирилган тизимга киритилган охириги тузатишлар билан миллий номенклатура тизимларини юритиш ёки ушбу Конвенция қоидаларини қўллаш бўйича тавсиялар беради.

6-Модда. Уйғунлаштирилган тизим Қўмитаси

1. Ушбу Конвенцияга мувофиқ, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон вакилларида иборат “Уйғунлаштирилган тизим қўмитаси” деб аталадиган Қўмита тузилади.
2. Уйғунлаштирилган тизим қўмитаси одатда йилига камида икки марта йиғилади.
3. Унинг мажлислари Бош котиб томонидан чақирилади ва агар ушбу Конвенция иштирокчилари йиғилиш учун бошқа жойни келишиб олмасалар, Кенгашнинг қароргоҳида ўтказилади.
4. Ҳар Уйғунлаштирилган тизим қўмитасида ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бир овозга эга бўлади; лекин ушбу Конвенция мақсадлари учун ва келажақдаги ҳар қандай Конвенцияга зарар етказмасдан, божхона ёки иқтисодий иттифоқ сифатида чиқиши мумкин бўлган Аҳдлашувчи Томонлар ва бундай иттифоқнинг бир ёки бир нечта аъзо-давлатлари биргаликда фақат битта овозга эга бўладилар. Худди шундай, 11-модданинг (b) банди қоидаларига мувофиқ, Аҳдлашувчи Томон бўлиш ҳуқуқига эга бўлган божхона ёки иқтисодий иттифоқнинг барча аъзо-давлатлари Аҳдлашувчи Томонлар ҳисобланиб, биргаликда фақат битта овозга эга бўладилар.
5. Уйғунлаштирилган тизим қўмитаси ўз Раисини ва бир ёки бир нечта Раис ўринбосарларини сайлайди.
6. Қўмита ўз регламентини ўз аъзоларининг камида учдан икки қисми овози билан қабул қилинган қарор билан белгилайди. Шу тарзда қабул қилинган регламент Кенгаш томонидан тасдиқланади.
7. Қўмита ўз ишида кузатувчи сифатида қатнашиш учун зарур деб ҳисоблаган ҳукуматлараро ёки бошқа халқаро ташкилотларни таклиф қилади.
8. Зарур ҳолларда Қўмита 7-модда 1-банди (a) кичик банди қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, қуйи қўмиталар ёки ишчи гуруҳларни тузади ва бундай қуйи қўмиталар ёки ишчи гуруҳлар уларнинг таркибини, овоз беришда қатнашиш ҳуқуқларини ва регламентини белгилайди.

7-Модда Қўмитанинг вазифалари

1. 8-модда қоидаларига риоя қилган ҳолда Уйғунлаштирилган тизим Қўмитаси қуйидаги вазифаларни бажаради:
 - a) ушбу Конвенцияга, хусусан, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари ва товарларни ишлаб чиқариш технологияси ёки халқаро савдо тузилмасидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, ўзи учун зарур ҳисобланган тузатишларни таклиф қилади;
 - (b) Уйғунлаштирилган тизимни талқин қилиш учун зарур бўлган Тушунтиришлар, Таснифлаш қарорлари ва бошқа тавсияларни ишлаб чиқади;
 - (c) Уйғунлаштирилган тизимнинг ягона талқини ва қўлланилишини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;
 - (d) Уйғунлаштирилган тизимни қўллашга тегишли маълумотларни таққослайди ва тарқатади;
 - (e) Ўз ташаббуси билан ёки кимнингдир сўровига биноан, Аҳдлашувчи Томонларга, Кенгашга аъзо давлатларга, ҳукуматлараро ёки бошқа халқаро ташкилотларга Қўмита зарур деб ҳисоблаши мумкин бўлган Уйғунлаштирилган тизимда товарларни таснифлаш билан боғлиқ ҳар қандай масалалар бўйича маълумот ёки маслаҳатлар беради;

- f) Кенгашнинг ҳар бир сессиясида ўз фаолияти тўғрисида, жумладан, таклиф этилаётган тузатишлар, Тушунтиришлар, Таснифлаш қарорлари ва бошқа таклифлар тўғрисида ҳисобот тақдим этади;
 - (g) Уйғунлаштирилган тизимга нисбатан Кенгаш ёки Аҳдлашувчи Томонлар зарур деб ҳисоблаши мумкин бўлган, бошқа ваколат ва вазифаларни амалга оширади.
2. Уйғунлаштирилган тизим Қўмитасининг бюджетдан ажратилган пулни талаб қилувчи маъмурий қарорлари Кенгаш томонидан тасдиқланади.

8-Модда Кенгашнинг роли

1. Кенгаш Уйғунлаштирилган тизим қўмитаси томонидан ушбу Конвенцияга тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқади ва 16-моддада назарда тутилган тартибда, агар Аҳдлашувчи Томони бўлган Кенгашнинг бирор бир аъзоси томонидан таклифлар ёки уларнинг бир қисми қайта кўриб чиқиш учун Қўмитага юборилишини талаб қилинмаса, уларни Аҳдлашувчи Томонларга тавсия қилади.
2. 7-модда 1-банди қоидаларига мувофиқ, Уйғунлаштирилган тизим қўмитасининг сессия вақтида тайёрланган Тушунтиришлар, Таснифлаш қарорлари, Уйғунлаштирилган тизимни талқин қилиш бўйича бошқа тавсиялар ва Уйғунлаштирилган тизимни ягона талқини ва қўллашни таъминлаш мақсадига қаратилган тавсияларни ишлаб чиқади, агар сессия якунланган ойдан сўнг икки ой ўтгандан кейин ушбу Конвенциянинг ҳеч бир Аҳдлашувчи Томони масалани Кенгаш муҳокамасига қўйишни талаб қилиши ҳақида Бош котибни хабардор қилмаса, Кенгаш томонидан маъқулланган деб ҳисобланади.
3. Ҳар қандай масала ушбу модданинг 2 -банди қоидаларига мувофиқ, Кенгашга юборилганда, агар ушбу Конвенциянинг Аҳдлашувчи Томони бўлган Кенгашнинг бирор бир аъзоси, уларни тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқиш учун Қўмитага юборишни талаб қилмаса, Кенгаш бундай тушунтиришлар, Таснифлаш қарорлари, бошқа маслаҳатлар ёки тавсияларни тасдиқлайди.

9-Модда Божхона тўловлари ставкалари

Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Конвенцияга мувофиқ божхона тўловлари ставкалари бўйича ҳеч қандай мажбуриятларни ўз зиммаларига олмайдилар.

10-Модда Низоларни ҳал қилиш

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай низолар имкон қадар улар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинади.
2. Шу тарзда ҳал этилмаган ҳар қандай низолар, ушбу низоларда иштирок этувчи тарафлар томонидан Уйғунлаштирилган тизим Қўмитасига юборилади, у ушбу низоларни кўриб чиқади ва уларни тартибга солиш бўйича тавсиялар беради.
3. Агар Уйғунлаштирилган тизим Қўмитаси низони ҳал қилишга қодир бўлмаса, у масалани Кенгаш кўриб чиқишига топширади, у Кенгашни таъсис этиш тўғрисидаги Конвенциянинг III моддаси (e) бандига мувофиқ тавсиялар беради.
4. Низо томонлари Қўмита ёки Кенгашнинг ижро учун мажбурий бўлган тавсияларини кўриб чиқиш учун олдиндан келишиб олишлари мумкин.

11-Модда. Аҳдлашувчи Томон мақомини олиш

Ушбу Конвенциянинг Аҳдлашувчи Томонлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- (a) Кенгашга аъзо-давлатлар;
- (b) предмети ушбу Конвенция билан тартибга солинадиган айрим ёки барча масалалар бўлган шартномалар тузишга ваколатли божхона ёки иктисодий иттифоқлар;

(с) Кенгаш кўрсатмаси бўйича Бош котиб таклифнома юборган ҳар қандай бошқа давлат.

12-Модда. Аҳдлашувчи Томон мақомини олиш процедураси

1. Бундай ҳуқуққа эга бўлган ҳар қандай давлат, божхона ёки иқтисодий иттифоқ қуйидаги йўллар билан ушбу Конвенциянинг Аҳдлашувчи Томонига айланиши мумкин:
 - (а) уни ратификация қилиш шартсиз имзолаш;
 - (б) ратификация қилиниши шarti билан Конвенция имзолангандан кейин ратификация тўғрисида ҳужжатни сақлаш учун топшириш;
 - (с) ушбу Конвенциянинг имзолаш учун очиклиги якунига етганидан сўнг унга қўшилиш.
2. Ушбу Конвенция 1986 йил 31 декабрда Кенгашнинг Брюссельдаги штаб-квартирасида 11-моддада кўрсатилган давлатлар, божхона ёки иқтисодий иттифоқлар томонидан имзоланиши учун очикдир. Ушбу санадан кейин у қўшилиш учун очик бўлади.
3. Ратификация ҳужжатлари ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар Бош котибга сақлаш учун топширилади.

13-Модда. Кучга кириши

1. Мазкур Конвенция 11-моддада кўрсатилган камида ўн етти давлат, божхона ёки иқтисодий иттифоқлар уни шартларсиз ратификация тўғрисида имзолаганидан ёки ратификация қилиш ёки қўшилиш тўғрисидаги ўз ҳужжатларини топширганидан сўнг камида ўн икки ой ва йигирма тўрт ойдан кўп бўлмаган вақт ўтгандан кейин келгуси йилнинг 1 январидан кучга киради, лекин 1987 йил 1 январдан аввал эмас.
2. Мазкур Конвенцияни ратификация қилиш шартсиз имзолаган, уни ратификация қилган ёки аъзоларининг сони ушбу модданинг 1 -бандида кўрсатилган энг кам сонга етганидан кейин ушбу Конвенцияга қўшилган ҳар қандай давлат, божхона ёки иқтисодий иттифоққа нисбатан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб ушбу Конвенция кучга киради, ушбу давлат, божхона ёки иқтисодий иттифоқ ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги шартларсиз имзолаган ёки ратификация ҳужжати ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топширганидан кейин камида ўн икки ой ва йигирма тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатда кучга киради, агар янада эртароқ муддат келишилмаган бўлса. Бироқ, ушбу банд қоидаларидан келиб чиқиб, кучга кириш санаси ушбу модданинг 1 -бандида назарда тутилган санадан олдин бўлиши мумкин эмас.

14-Модда. Қарамоғидаги ҳудудлар томонидан қўлланилиши

1. Ҳар қандай давлат ушбу Конвенциянинг Аҳдлашувчи Томонига айланган вақтда ёки кейинчалик, Бош котибга ушбу Конвенция халқаро муносабатлари унинг юрисдикциясида бўлган ва ушбу хабарномада кўрсатилган барча ёки айрим ҳудудларга нисбатан қўлланилади. Ушбу хабарномани Бош котиб олган кундан бошлаб камида ўн икки ой ва йигирма тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатда келаси йилнинг 1 январидан кучга киради, агар унда илгари муддат кўрсатилмаган бўлса. Бироқ, ушбу Конвенция тегишли давлатга нисбатан кучга киргунга қадар ушбу ҳудудларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас.
2. Ушбу Конвенциянинг кўрсатилган ҳудудга нисбатан амал қилиши, ушбу ҳудуднинг халқаро муносабатлари ушбу Аҳдлашувчи Томон юрисдикциясини тўхтатган пайтдан бошлаб ёки Бош котибга 15-моддада назарда тутилган тартиб-таомилга мувофиқ равишда хабар қилиниши мумкин бўлган исталган вақтга қадар санадан бошлаб тўхтатилади.

15-Модда. Денонсация

Мазкур Конвенциянинг амал қилиш муддати чекланмаган. Бироқ ҳар қандай Аҳдлашувчи Томон уни денонсация қилиши мумкин ва бундай денонсация, агар унда кечроқ сана кўрсатилмаган бўлса,

Бош котиб денонсация тўғрисидаги билдиришномани олганидан бир йил муддат ўтгач кучга киради.

16-Модда Тузатишлар киритиш тартиби

1. Кенгаш Аҳдлашувчи Томонларга мазкур Конвенцияга тuzатишлар киритишни тавсия қилиши мумкин.
2. Ҳар қандай Аҳдлашувчи Томон тавсия қилинган тuzатишга ўзининг норозилиги ҳақида Бош котибни хабардор қилиши мумкин ва келгусида мазкур модданинг 3-бандида назарда тутилган муддат ичида ушбу эътирозни қайтариб олиши мумкин.
3. Тавсия этилган ҳар қандай тuzатиш, агар ушбу муддатнинг охирига қадар ҳеч қандай эътироз билдирилмаган бўлса, Бош котиб ушбу тuzатиш тўғрисида хабардор қилган вақтдан олти ой ўтгач қабул қилинган ҳисобланади.
4. Қабул қилинган тuzатишлар барча Аҳдлашувчи Томонларга нисбатан қуйидаги муддатларда кучга киради:
 - (a) агар тавсия этилган ўзгартириш тўғрисидаги билдиришнома 1 апрелгача олинган бўлса, бундай билдиришнома берилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб; ёки
 - (b) агар тавсия этилган тuzатишлар тўғрисидаги билдиришнома 1 апрель куни ёки ундан кечроқ олинган бўлса, бундай хабарнома юборилган йилдан кейинги йил якунидан сўнг, навбатдаги йилнинг 1 январидан бошлаб.
5. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг статистик номенклатуралари ва унинг божхона тариф номенклатураси 3 -модда 1 - бандининг (c) кичик бандида назарда тутилган ҳолларда, унинг қўшма тариф-статистик номенклатурасига ўзгартиришлар киритилган ҳолда, ушбу модданинг 4 -бандида кўрсатилган муддат ичида Уйғунлаштирилган тизимга мувофиқлаштирилган бўлиши керак.
6. Мазкур Конвенцияни ратификация қилиш шартсиз имзолаган, уни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар қандай Давлат, уни ратификация қилган ёки унга қўшилган божхона ёки иқтисодий иттифоқ, ушбу Давлат ёки иттифоқ Аҳдлашувчи Томонга айланган вақтда амалдаги ёки ушбу модданинг 3- банди қоидаларига мувофиқ кучга кирган ёки қабул қилинган ҳар қандай тuzатишни қабул қилган деб ҳисобланади.

17-Модда. Аҳдлашувчи Томонларнинг Уйғунлаштирилган тизимга нисбатан ҳуқуқлари

- Уйғунлаштирилган тизимга тегишли ҳар қандай масалада 6 -модданинг 4 -банди, 8 -модда ва 16 - модданинг 2 -банди қоидалари ҳар қандай Аҳдлашувчи Томонга қуйидаги ҳуқуқларни беради:
- a) мазкур Конвенция қоидаларига мувофиқ қўлланиладиган Уйғунлаштирилган тизимнинг барча қисмларига нисбатан; ёки
 - b) 13 -модда қоидаларига мувофиқ, мазкур Конвенция у учун кучга киргунга қадар, мазкур Конвенция қоидаларига мувофиқ, ушбу санада қўллаши шарт бўлган Уйғунлаштирилган тизимнинг барча бўлимларига нисбатан; ёки
 - (c) Уйғунлаштирилган тизимнинг барча қисмларига нисбатан 4-модданинг 5-бандида кўрсатилган уч йиллик давр давомида ва шу муддат тугагунга қадар олти рақамдан иборат Уйғунлаштирилган тизимни тўлиқ хажмда қўллаш шарти билан расман ўз зиммасига олган ҳолда.

18-Модда. Шартлар

Мазкур Конвенцияда ҳеч қандай шартларга йўл қўйилмайди.

19-Модда. Бош котибнинг билдиришномалари

Бош котиб Аҳдлашувчи Томонларни, мазкур Конвенциянинг Аҳдлашувчи Томонлари бўлмаган бошқа имзолувчи давлатларни, Кенгашга аъзо давлатларни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини қуйидагилар ҳақида хабардор қилади:

- a) 4 -моддага мувофиқ олинган хабарномалар;
- b) 12 -моддага мувофиқ имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш ҳолатлари;
- c) 13 -моддага мувофиқ ушбу Конвенция кучга кирган сана;
- d) 14 -моддада назарда тутилган хабарномалар;
- i) 15 -моддада назарда тутилган денонсациялар;
- f) 16- моддага мувофиқ ушбу Конвенцияга киритилган ўзгартиришлар;
- g) 16 -моддага мувофиқ тавсия этилган тузатишлар ва уларни чақириб олиш мумкин бўлган ўзгартиришларга норозиликлар;
- h) 16 -моддага мувофиқ қабул қилинган тузатишлар ва улар кучга кирган сана.

20-Модда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида рўйхатдан ўтиш

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 102-моддасига мувофиқ, Кенгаш Бош котибининг таклифига биноан мазкур Конвенция БМТ Котибиятида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Буларни тасдиқлаш учун қуйидаги имзо чекувчилар, тегишли тарзда ваколат берилган шахслар мазкур Конвенцияни имзоладилар.

1983 йил 14 июнда Брюссельда инглиз ва француз тилларида тузилган бўлиб, иккала матн ҳам бир хил кучга эга, битта нусхада Кенгашнинг Бош котибига сақлаш учун топширилди, тасдиқланган нусхаларини 11 -моддада кўрсатилган барча давлатлар ва Божхона ёки иқтисодий иттифоқларга юборади.

ТИФ ТН ТАЛҚИН ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Товарларни Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси (ТИФ ТН)да таснифлаш куйидаги Қоидалар асосида амалга оширилади:

1. Бўлимларнинг, гуруҳларнинг ва кичик гуруҳларнинг номлари ТИФ ТНдан фойдаланишда қулайлик бўлиши учунгина келтирилган; юридик мақсадлар учун товарларни ТИФ ТН бўйича таснифлаш товар позицияларининг номлари ва бўлимларга ёки гуруҳларга берилган тегишли изолардан келиб чиққан ҳолда ва агар бундай матнларда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, куйидаги қоидаларга мувофиқ амалга оширилади:
2. (а) Агар тўлиқ бўлмаган ёки тугалланмаган шаклда тақдим этилган товар тўлиқ ёки тугалланган товарнинг асосий хусусиятларига эга бўлса, товар позицияси номида бирор товарга кўрсатилган ҳар қандай ҳавола тўлиқ бўлмаган ёки тугалланмаган шаклдаги шундай товарга ҳам кўрсатилган ҳавола, шунингдек, йиғилмаган ёки қисмларга ажратилган ҳолатда тақдим этилган тўлиқ ёки тугалланган товарга кўрсатилган ҳавола (ёки мазкур Қоидада биноан кўриб чиқилаётган товар позициясида комплект ёки тугалланган товар сифатида таснифланувчи) деб қаралиши зарур.
(б) Товар позицияси номида бирор материал ёки моддага келтирилган ҳар қандай ҳавола ушбу материалнинг ёки модданинг бошқа материал ёки моддалар билан аралашмаси ёки бирикмасига ҳам келтирилган ҳавола деб қаралиши зарур. Муайян бир материал ёки моддадан тайёрланган товарга келтирилган ҳар қандай ҳавола тўлиқ ёки қисман ушбу материал ёки моддадан иборат бўлган товарларга ҳам келтирилган ҳавола деб қаралиши зарур. Бирдан ортиқ материал ёки моддадан ташкил топган товарларни таснифлаш 3-Қоида талабларига мувофиқ амалга оширилади.
3. Агар, 2(б) Қоидага мувофиқ ёки бошқа сабабга кўра, *prima facie*, товарларни икки ёки ундан ортиқ товар позициясига киритиш имконияти мавжуд бўлса, бундай товарларни таснифлаш куйидагича амалга оширилади:
(а) Умумий тавсифга эга бўлган товар позицияси номларига қараганда товарларнинг нисбатан аниқроқ тавсифини ўз ичига олган товар позицияси номларига устунлик берилади. Бирок, икки ёки ундан ортиқ товар позицияларининг ҳар бири фақат аралаш ёки кўп компонентли буюмлар таркибидаги материаллар ёки моддаларнинг бир қисмига ёки чакана савдо учун тўпلامда тақдим этилган товарларнинг фақат бир қисмига тегишли бўлса, бу ҳолда мазкур товар позициялари, ҳатто улардан бири товарнинг анча тўлиқ ёки аниқ тавсифини берсада, ушбу товарга нисбатан эквивалент сифатида қаралиши керак.
(б) Таснифланишини 3(а) Қоида талабларига мувофиқ амалга ошириб бўлмайдиган аралашмалар, турли материаллардан таркиб топган ёки турли компонентлардан тайёрланган кўп компонентли буюмлар, ҳамда чакана савдода сотишга мўлжалланган тўпلامда тақдим этилган товарлар, ушбу меъзонни қўллаш шarti билан, уларга асосий хусусиятларни берадиган материаллар ёки таркибий қисмлар бўйича таснифланиши керак.
(в) Таснифланишини 3(а) ва 3(б) Қоида талабларига мувофиқ амалга ошириб бўлмайдиган товарлар, мазкур товарларни таснифлашда кўриб чиқиш учун тенг даражада мақбул бўлган товар позициялари орасидан, кодларни ортиб бориш тартибида охириги товар позициясида таснифланиши зарур.
4. Таснифланиши юқорида баён қилинган Қоидаларнинг талабларига мувофиқ амалга ошириб бўлмайдиган товарлар, кўриб чиқилаётган товарлар билан энг ўхшаш (яқин) бўлган товарларга мос келувчи товар позициясида таснифланади.
5. Юқорида келтирилган қоидаларга қўшимча равишда, куйида қайд этилган товарларга нисбатан куйидаги қоидалар қўлланиши зарур:
(а) Фотоаппаратлар, мусиқа асбоблари, қурол-яроғлар, чизмачилик анжомлари, тақинчоқлар учун ғилофлар ва жилдлар, шунингдек уларга ўхшаш, тегишли буюмни ёки буюмлар тўпلامي жойлаштириш учун махсус шаклга эга ёки мослаштирилган, узоқ муддат фойдаланиш учун яроқли ва ўзига мўлжалланган буюмлар билан бирга тақдим этилган таралар, агар шундай кўринишдаги тара одатда савдога мазкур буюмлар билан бирга чиқариладиган бўлса, уларга қадоқланган буюмлар билан биргаликда таснифланиши лозим. Аммо, мазкур Қоида қадоқланган буюм билан бир яхлитликни ташкил этган ҳолда, ушбу яхлитликнинг асосий хусусиятини берадиган тарага нисбатан қўлланилмайди.
(б) Юқорида келтирилган 5(а) Қоида талабларига мувофиқ, ичидаги товарлар билан бирга етказиб бериладиган ўров материаллари ва таралар, агар улар одатда мазкур товарларни

ўраш учун қўлланиладиган кўринишда бўлса, улар биргаликда таснифланиши лозим. Лекин, бундай ўров материали ва тараларнинг такроран қўллаш учун яроқлилиги шубҳасиз бўлса, мазкур қоида мажбурий ҳисобланмайди.

6. Юридик мақсадларда товарларни товар позициясининг субпозицияларида таснифлаш субпозицияларнинг номлари ва субпозицияларга тааллуқли бўлган изоҳларга мувофиқ, шунингдек, *mutatis mutandis*, таққослашлар фақат битта даражадаги субпозициялар ўртасида амалга оширилиши шarti билан юқорида айтиб ўтилган Қоидалар талабига кўра амалга оширилиши зарур. Агар контекстда бошқача талқин бўлмаса, мазкур Қоида мақсадларида бўлимлар ва гуруҳларга берилган тегишли изоҳлар ҳам қўлланилиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасининг ўзбек тилидаги таҳририни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, рус тилидаги матндан фойдаланилади.

ҚИСҚАРТМАЛАР ВА РАМЗЛАР

Бк	беккерель
В	вольт
Вт	ватт
г	грамм
Гр	грей
Гц	герц
ГГц	гигагерц
дтекс	децитекс
ИҚ	инфрақизил
К	кельвин
кВ	киловольт
кВА	киловольт-ампер
квар	киловольт-ампер реактив
кВт	киловатт
кГц	килогерц
кг	килограмм
кгс	килограмм-куч
ккал	килокалория
км	километр
кН	килоньютон
кПа	килопаскаль
л	литр
от.к.	от кучи
м	метр
м-	мета-
м ²	квадрат метр
м ³ /ч	метр куб соатига
мас.%	масса бўйича фоиз миқдорда
Мибит	мебибит (1 048 576 бит)
мг	миллиграмм
мкКи	микрокюри
мм	миллиметр
мН	миллиньютон
МН	меганьютон
МПа	мегапаскаль
мэқв	миллиэквивалент
Н	ньютон
нм	нанометр
ҳажм.%	ҳажми бўйича фоиз миқдорда
о-	орто-
п-	пара-
Ўзгар Т	ўзгарувчан ток
Доим Т	доимий ток
рад	рад
с	сония
сг	сантиграмм
см	сантиметр
см ²	сантиметр квадрат
см ³	сантиметр куб
сН	сантиньютон
см/с	сантиметр(лар) сонияда
т	тонна
УФ	ультрафиолет
х°	х градус
°С	Цельсий градуси
ASTM	American Society for Testing Materials, Материалларни синаш Америка Жамияти

%	фоиз
INN	InternationalNonproprietaryName, Халқаро патентланмаган Номланиши
INNМ	InternationalNonproprietaryNameModified, Халқаро модификацияланган патентланмаган Номланиши
ISO	International Organization for Standardization, Стандартлаштириш бўйича Халқаро ташкилот
+	кўрсатилган рақамли код ТИФ ТН олдинги тахририда фойдаланилган, лекин бошқа товарларни қамраб олган

ТИФ ТНда ҚЎЛЛАНАДИГАН ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

Ўлчов бирлиги номланиши	Шартли белги	Ўлчов бирлигининг кодлари
АСОСИЙ БИРЛИК		
Килограмм	кг	166
ҚЎШИМЧА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ		
Грамм	г	163
Парчаланувчи изотопларнинг грамми	г Д/И	306
Квадрат метр	м ²	055
Килограмм азот	кг N	861
Килограмм калий гидроксид	кг КОН	859
Килограмм натрий гидроксид	кг NaOH	863
Килограмм калий оксид	кг K ₂ O	852
Килограмм пероксид водород	кг H ₂ O ₂	841
Килограмм пятиокис фосфор	кг P ₂ O ₅	865
Килограмм 90-фоизлик курук модда	кг 90% к/м	845
Килограмм уран	кг U	867
Куб метр	м ³	113
Кюри	Ки	305
Литр	л	112
Тоза (100%) спирт литри	л 100% спирт	831
Метр	м	006
Метрик карат (1 карат= 200 мг =2·10 ⁻⁴ кг)	кар	162
Жуфт	жуфт	715
Юз дона	100 дона	797
Минг дона	1000 дона	798
Дона	дона	796
1000 киловатт-соат	1000 кВт·ч	246
1000 кубметр	1000 м ³	114
1000 литр	1000 л	130

І БҰЛИМ
ТИРИК ҲАЙВОНЛАР: КЕЛИБ ЧИҚИШИ ҲАЙВОНЛАРГА МАНСУБ МАҲСУЛОТЛАР

Изоҳлар:

- Ушбу бўлимда ҳайвонларнинг маълум бир жинси ёки турига берилган ҳар қандай ҳавола, агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, шу жинс ёки тур ёш ҳайвонларга ҳам тегишли.
- Бутун номенклатурада “қурилган” маҳсулотлар атамаси, агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, сувсизланиш, буғланиш ёки музлатиш орқали қурилган маҳсулотларни ҳам англатади.

01-ГУРУҲ
ТИРИК ҲАЙВОНЛАР

Изоҳлар:

- Ушбу гуруҳга барча турдаги тирик ҳайвонлар киритилади, қуйидагилардан ташқари:
 - 0301, 0306, 0307 ёки 0308-товар позицияларидаги балиқ ва қисқичбақасимонлар, моллюска ва бошқа умуртқасиз сув ҳайвонлари;
 - 3002-товар позициясидаги микроорганизм културалари ва бошқа маҳсулотлар; ва
 - 9508-товар позициясидаги ҳайвонлар.

ТИФ ТН код	Позициянинг номи	Қўшимча ўлчов бирлиги
0101	Тирик отлар, эшаклар, хачирлар ва хўтиklar:	
	– отлар:	
0101 21 000 0	– – зотли насли ҳайвонлар	дона
0101 29	– – бошқалар:	
0101 29 100 0	– – – сўйиладиган	дона
0101 29 900 0	– – – бошқалар	дона
0101 30 000 0	– эшаклар	дона
0101 90 000 0	– бошқалар	дона
0102	Тирик йирик шохли қорамол:	
	– хонаки йирик шохли қорамол:	
0102 21	– – зотли насли ҳайвонлар:	
0102 21 100 0	– – – ғунажин (биринчи болалашгача бўлган урғочилар)	дона
0102 21 300 0	– – – сигирлар	дона
0102 21 900 0	– – – бошқалар	дона
0102 29	– – бошқалар:	
0102 29 050 0	– – – <i>Vibos</i> ёки <i>Poephagus</i> зотлари	дона
	– – – бошқалар:	
0102 29 100 0	– – – – оғирлиги 80 кг дан юқори бўлмаган	дона
	– – – – оғирлиги 80 кг дан юқори бўлган, бироқ 160 кг дан юқори бўлмаган:	
0102 29 210 0	– – – – – сўйиладиган	дона
0102 29 290 0	– – – – – бошқалар	дона
	– – – – – оғирлиги 160 кг дан юқори бўлган, бироқ 300 кг дан юқори бўлмаган:	
0102 29 410 0	– – – – – сўйиладиган	дона
0102 29 490 0	– – – – – бошқалар	дона
	– – – – – оғирлиги 300 кгдан юқори бўлган:	
	– – – – – ғунажин (биринчи болалашгача бўлган урғочилар):	
0102 29 510 0	– – – – – – сўйиладиган	дона
0102 29 590 0	– – – – – – бошқалар	дона
	– – – – – – сигирлар:	
0102 29 610 0	– – – – – – сўйиладиган	дона

ТИФ ТН код	Позициянинг номи	Қўшимча ўлчов бирлиги
0102 29 690 0	----- бошқалар	дона
	----- бошқалар:	
0102 29 910 0	----- сўйиладиган	дона
0102 29 990 0	----- бошқалар	дона
	– буйволлар:	
0102 31 000 0	-- зотли насли ҳайвонлар	дона
0102 39	-- бошқалар:	
0102 39 100 0	--- хонаки тури	дона
0102 39 900 0	--- бошқалар	дона
0102 90	– бошқалар:	
0102 90 200 0	-- зотли насли ҳайвонлар	дона
	-- бошқалар:	
0102 90 910 0	--- хонаки тури	дона
0102 90 990 0	--- бошқалар	дона
0103	Тирик чўчқалар:	
0103 10 000 0	– зотли насли ҳайвонлар	дона
	– бошқалар:	
0103 91	-- оғирлиги 50 кг дан кам бўлган:	
0103 91 100 0	--- хонаки тури	дона
0103 91 900 0	--- бошқалар	дона
0103 92	-- оғирлиги 50 кг ёки юқори бўлган:	
	--- хонаки тури:	
0103 92 110 0	---- камида бир марта насл берган, 160 кг дан кам бўлмаган она чўчка	дона
0103 92 190 0	---- бошқалар	дона
0103 92 900 0	--- бошқалар	дона
0104	Тирик қўй ва эчкилар:	
0104 10	– қўйлар:	
0104 10 100 0	-- зотли насли ҳайвонлар	дона
	-- бошқалар:	
0104 10 300 0	--- қўзичоқлар (1 ёшгача бўлган)	дона
0104 10 800 0	--- бошқалар	дона
0104 20	– эчкилар:	
0104 20 100 0	-- зотли насли ҳайвонлар	дона
0104 20 900 0	-- бошқалар	дона
0105	Тирик уй паррандалари, хонаки товуклар (<i>Gallus domesticus</i>), ўрдак, ғоз, куркалар ва цесаркалар:	
	– оғирлиги 185 граммдан ошиқ бўлмаган:	
0105 11	-- хонаки товуклар (<i>Gallus domesticus</i>):	
	--- ота ва она авлодининг наслини кўпайтирувчи жўжалар:	
0105 11 110 0	---- тухум қўядиган товуклар йўналиши	дона
0105 11 190 0	---- бошқалар	дона
	--- бошқалар:	
0105 11 910 0	---- тухум қўядиган товуклар йўналиши	дона
0105 11 990 0	---- бошқалар	дона
0105 12 000 0	-- куркалар	дона
0105 13 000 0	-- ўрдаклар	дона
0105 14 000 0	-- ғозлар	дона

ТИФ ТН код	Позициянинг номи	Қўшимча ўлчов бирлиги
0105 15 000 0	-- цесаркалар	дона
	– бошқалар:	
0105 94 000 0	-- хонаки товуклар (<i>Gallus domesticus</i>)	дона
0105 99	-- бошқалар:	
0105 99 100 0	--- ўрдақлар	дона
0105 99 200 0	--- ғозлар	дона
0105 99 300 0	--- куркалар	дона
0105 99 500 0	--- цесаркалар	дона
0106	Бошқа тирик ҳайвонлар:	
	– сутэмизувчилар:	
0106 11 00	-- приматлар:	
0106 11 001 0	--- илмий тадқиқот мақсадлари учун	дона
0106 11 009 0	--- бошқалар	дона
0106 12 00	-- китлар, дельфинлар, денгиз чўчкаси (<i>Cetacea</i> сутэмизувчилар отряди); ламантин ва дюгонлар (<i>Sirenia</i> сутэмизувчилар отряди); тюлень, денгиз шери ва морж (<i>Pinnipedia</i> сутэмизувчилар отряди):	
0106 12 001 0	--- илмий-тадқиқот учун	дона
0106 12 009 0	--- бошқалар	дона
0106 13 00	-- туялар ва бошқа туясимонлар оиласига тегишли ҳайвонлар (<i>Camelidae</i>):	
0106 13 001 0	--- илмий тадқиқот учун	дона
0106 13 009 0	--- бошқалар	дона
0106 14	-- хонаки ва ёввойи қуёнлар:	
0106 14 10	--- хонаки қуёнлар:	
0106 14 101 0	---- илмий-тадқиқот учун	дона
0106 14 109 0	---- бошқалар	дона
0106 14 90	--- бошқалар:	
0106 14 901 0	---- илмий тадқиқот учун	дона
0106 14 909 0	---- бошқалар	дона
0106 19 00	-- бошқалар:	
0106 19 001 0	--- илмий тадқиқот учун	дона
0106 19 009	--- бошқалар:	
0106 19 009 1	---- тулкилар	дона
0106 19 009 2	---- арктика тулкилари	дона
0106 19 009 3	---- сувсарлар	дона
0106 19 009 4	---- қоракузанлар	дона
0106 19 009 9	---- бошқалар	дона
0106 20 00	– судралиб юрувчилар (шу жумладан, тошбақа ва илонлар):	
0106 20 001 0	-- илмий тадқиқот учун	дона
0106 20 009 0	-- бошқалар	дона
	– қушлар:	
0106 31 00	-- йирткич қушлар:	
0106 31 001 0	--- илмий тадқиқот учун	дона
0106 31 009 0	--- бошқалар	дона
0106 32 00	-- тўтиқушсимонлар (шу жумладан, тўтиқуш, узун думли тўтиқуш, ара ва қакаду):	
0106 32 001 0	--- илмий тадқиқот учун	дона
0106 32 009 0	--- бошқалар	дона
0106 33 00	-- туяқушлар; эму (<i>Dromaius novaehollandiae</i>):	

ТИФ ТН код	Позициянинг номи	Қўшимча ўлчов бирлиги
0106 33 001 0	--- илмий тадқиқот учун	дона
0106 33 009 0	--- бошқалар	дона
0106 39	-- бошқалар:	
0106 39 100 0	--- кабуларлар	дона
0106 39 80	--- бошқалар:	
0106 39 801 0	---- илмий тадқиқот учун	дона
0106 39 809 0	---- бошқалар	дона
	- ҳашаротлар:	
0106 41 000	-- асаларилар	
	--- бол асаларилари:	
0106 41 000 1	---- она асалари	дона
0106 41 000 2	---- асалари пакетлари	дона
0106 41 000 3	---- бошқалар	дона
	--- бошқалар:	
0106 41 000 8	---- илмий тадқиқот учун	дона
0106 41 000 9	---- бошқалар	дона
0106 49 000	-- бошқалар	
0106 49 000 1	--- илмий тадқиқот учун	дона
0106 49 000 9	--- бошқалар	дона
0106 90 00	- бошқалар:	
